

**Андижон давлат университети тарих факультети 4 босқич  
талабаси Раҳмонов Ғиёснинг ЎДЖҚНА фанидан тайёрлаган**

## **РЕФЕРАТИ**

**Мавзу:Демократик жамиятда сайловларнинг ўрни**

### **Кириш**

- 1. Сайлов тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти.**
- 2. Демократик сайловларнинг асосий тамойиллари.**
- 3. Ўзбекистон сайлов қонунчилигига доир ўзгаришлар.**
- 4. Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

### **Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар**

## Кириш

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда сайловларнинг роли бекиёсdir. Сайловларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли хусусида юртбошимиз И.А.Каримов қуидаги фикрларни билдирган: “ ... Ҳаётимизда демократик тамойиллар чуқур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош тамойили бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиz лозим<sup>1</sup>”.

Ҳар қандай давлатни демократик давлат, деб эълон қилишнинг ўзи етарли эмас, муҳими, унинг ташкил этилиши ва фаолиятини тегишли ҳуқуқий институтлар, ҳуқуқий кафолатлар билан таъминланганлигидир. Бундай конституциявий-ҳуқуқий институтларнинг негизини сайлов ҳуқуки институти ташкил этади. Сайловлар бунданташқариянабирқатор ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳамбажараради. Биринчидан, сайловларҳокимиятучунўзарокурашувчiturli ижтимоий гурухларнинг манфаатларини руёбга чиқариш механизmlаридан бири ҳисобланади. Иккинчидан, сайловолди компанияси даврида кишилар онгida шаклланадиганмуҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларга нисбатануларнингмunoсабатининамоёнқилади, жамиятолдиатурганмуаммоларнингмоҳиятини, уларнинггечимиNi ўзигахосусуллардаҳалэтишимкониятлариникўрсатади.

Шу боисдан ҳокимият органларига сайланадиганномзодлар ўзларининг дастурларида, чиқишлиарида аҳолининг турли табақалари манфаатларини қамраб оладиган муаммоларга алоҳидаурғу беришга харакат килади ва уларни янада барқарор манфаатлар сифатида шаклланишига кўмаклашади. Бошқача қилиб айтганда, сайловлар - бу “сиёсий бозор” (рақобат майдони)нинг ўзига хос кўриниши бўлиб, унда сиёсий арбоблар (аникроғи унга эришиш истагидаги номзодлар) ўзларининг қарашларини, дастурларини

<sup>1</sup>Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, Б. 310

намоён қилиш орқали сайловчиларнинг ишончини қозониш ва улар тимсолидаги ваколатни қўлга киритишга интилишади.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равища очиқлик ва ошкоралик асосда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятлариданdir.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чоратадбирлар сайловларни энг юқори демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга қатъий мувофиқ равища ўтказишнинг муҳим омили бўлди.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулот тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади. Сайловларда қатнашиш орқали фуқаролар мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва уларнинг номзодларига муносиб баҳо берадилар.

Сайловдаги иштирок ҳар бир фуқаронинг Ўзбекистон тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси, ватанпарварлигининг ёрқин намунасидир.

## **1. Сайлов тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти**

Жамият аъзолари томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш мақсадларида ўтказиладиган сайловлар фақат демократиянинг белгиси ёки кўриниши бўлмасдан, шу билан бирга, унинг зарурӣ яшаш шарти ҳамдир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабряда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида демократик принциплар асосидаги сайловларнинг инсон ҳуқуқи сифатидаги ўрни қуидагича таҳрифланади: «Ҳар бир инсон бевосита ёки еркин сайланган вакиллари орқали ўз мамлакати бошқарув ишида қатнашиш ҳуқуқига егадир. Халқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши керак; бу ирова яширин овоз бериш ёки овоз бериш еркинлигини таҳминловчи бошқа шунга тенг аҳамиятга ега бўлган умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ифодаланиши лозим» .

Сайловлар тизими – ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган, шунингдек, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик вакилини сайлашни ўтказиш ва ташкил этишга доир тартиботдир. Сайловлар тизими – сиёсий тизимнинг таркибий қисмидир. Шу билан бирга, сайловлар тизимининг ўзи ҳам бошқа тизимлар каби тизилмавий қисмларга бўлинади: уларнинг ичida иккитаси алоҳида ажралиб туради: биринчиси, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи – назарий-ҳуқуқий компонент; иккинчиси еса сайлов жараёнлари – амалий-ташкилий компонентdir.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи уларнинг сайловлардаги иштирокини, сайловчилар ва сайланувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи, шунингдек, кейинчалик сайловчилар ишончини оқламаган вакилларни чақириб олувчи тартиботларнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуасидир. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи тушунчаси фуқароларнинг сайловларда иштирок етиш ҳуқуқи сифатида торроқ маънода – сайловчи

сифатида (фаол сайлов ҳуқуқи) ёки сайланувчи сифатида (пассив сайлов ҳуқуқи) қўлланилади.

Жамият аъзоларининг давлат ҳокимияти органларига бўлган сайловлардаги кенг иштироки демократик сиёсий жараённинг таркибий қисмидир. Демократик сайловлар давлат ва жамиятни ва уларнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадларидаги тарихий ривожланишнинг зиддиятли изланишлари натижаси ўлароқ пайдо бўлган институтдир. XX асрга келиб давлат ҳокимияти органларини шакллантириш билан боғлик бўлган демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнга айланди. Шу билан бирга, ҳар қандай сайловларни ҳам демократик қадриятлар қаторига киритиш ҳам қийин масаладир. Сайловларни давлат ва фуқаролик жамияти ўзаро мувозанатидаги ҳолатларидан келиб чиқиб бир неча турларга бўлиш мумкин.

Умумеътироф этилган халқаро демократик тамойиллардан бири қуйидагича ифодаланади: «Демократик идора этиш эркин ва адолатли сайловлар давомида муттасил ифодаланиб борадиган халқ иродасига асосланади». Турли мамлакатларда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиши даражасини сайлов ҳуқуқи принципларига мувофиқ равишда, яъни уларда ўтказилган сайлов тизимини ифода этувчи сайловларини таснифлаш асосида белгилаш мумкин. Сайловларга доир қуйидаги бир-бирига қарама-қарши бўлинган жуфтлик асосида қабул қилинган тушунчалар у ёки бу мамлакатнинг демократик ривожланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради. Унга мувофиқ сайловлар қуйидагича ўтказилиши мумкин: умумий – чегараланган (сензли) ; teng – нотенг; тўғри – билвосита; яширин – очиқ овоз бериш. Бу сайловлар таснифланган ҳар бир жуфтликнинг чап томонидаги тушунчаларга амал қилган мамлакатларда демократик қадриятлар асосидаги сайловлар ўтказилишини билдиради.

Фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятига бўйсундирилган мамлакатларда авторитар режимга хос сайловлар амал қиласиди. Депутатлар таркиби ва

сайловолди дастурлар мазмунига доир барча асосий қарорлар олдиндан мамлакат сиёсий раҳбарияти хоҳишига мос равишда шаклланади. Бу каби сайловларда депутатлар номзодлари ошкор этилмайди, уларнинг шахси ва дастурлари тўғрисида сайловчилар яхши тасаввурга эга бўлмайди. Депутатликка номзодлар сайловчилар вакили сифатида эмас, балки идора этувчи партиявий-давлат вакиллари сифатида намоён бўладилар.

Тоталитар сиёсий тизим мафкуравий ниқоблар остида ўзининг ҳакиқий мазмунини турли усуллар билан ниқоблаб, «халқ иродасини», шунингдек «олий даражадаги демократияга мансуб эканлигини» ифодалашга даъвогарлик қиласиди. Бу сиёсий тизим демократиянинг номуқобил шаклидан фойдаланиб, умумхалқ қўллаб-қувватлаши кўринишини шакллантиришга интилади.

Сайловларнинг иккинчи тури давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзар мувозанат бекарор бўлган мамлакатлар учун хосдир. Бу каби мамлакатларда сайловлар демократик режимлар чуқур илдиз отмаган, давлат етакчиларининг демократик интилишлари антидемократик кучлар қаршилигига учрайдиган мамлакатларда учраб туради. Бу каби мамлакатларда кўпинча халқ томонидан сайланган ҳокимиятнинг вакиллик органлари турли кучлар ва босимлар остида ўзининг яшаш қобилиятини йўқотади.

Жамиятнинг авторитаризмдан демократияга ўтиш муаммолари қуйидаги икки номаълумли тенгламани ечиш билан боғлиқдир: аҳоли қўллаб-қувватлашини йўқотиш шароитида олдинги режимдан ўтиш даврини босқичма-босқичлик асосида амалга ошириш. Бу мураккаб вазифани ҳал этиш ўтиш даври қатор босқичларини сиёсий технологиялар, жумладан, тақрорланиб турувчи сайлов жараёнлари воситасида қулайлаштиришни талаб этади. Демократияга босқичма-босқич ўтиш қуйидаги турли даражалардаги давлат ҳокимияти органлари сайловлар билан боғлиқдир: ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий тизилмаларини сайлаш; минтақавий даражаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларни шакллантириш ва уларнинг раҳбар

органларини сайлаш йўли билан сайлов олди курашлари учун сиёсий кенгликларни шакллантириш; ижро ҳокимияти раҳбарларини сайлаш;

Кўриниб турибдики, фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик сайловлар воситасида рўй беради. Авторитаризмдан демократияга ўтиш муддати эса ўн йилликлар, авлодлар алмашинуви ва қатор демократик сайловлар билан ўлчанади. Кўп partiya вийлик амалиёти тажрибасининг камлиги ўзаро сиёсий чидамлиликни (толерантликни) шаклланишига имкон берувчи ижтимоий демократик шарт-шароитларнинг ноқулай бўлишига сабаб бўлади. Натижада, ўтиш даври муддатлари чўзилиб бораверади. Шунингдек, баъзи мамлакатларда шошма-шошарлик билан демократияга тезлик билан ўтишга интилишлар кўпинча сохта демократия шаклидаги авторитаризмни қайта тиклайди.

Шунингдек, сайловларга доир такомиллашмаган қонунчилик, демократик анъаналар ва сайловларнинг бориши устидан халқ назоратининг етишмаслиги давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро мувозанати беқарор бўлган мамлакатлар учун характерлидир. Бу каби ҳолатлар сайловлар натижаларини сохталаштиришларга олиб келиши ҳам муқаррардир. Шунинг учун ҳам бу мамлакатлар учун ҳар бир ўтказилган ҳақиқий демократик сайловлар ҳуқуқий давлат қуришнинг машаққатли йўлидаги кичик, лекин шу билан бирга, енг зарурый бўлган муҳим қадамdir.

Сайловларнинг учинчи тури - демократик режимлардаги, яъни давлатлар фуқаролик жамиятига бўйсунган мамлакатлар учун хосдир. Фуқаролик жамияти қуришни ривожлантиришнинг муҳим шарти – давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро мувозанат, тенглик, бир маромдаги ривожланишнинг мавжудлигидир. Улар ўртасида юз бериши мумкин бўлган зиддиятлар қўрқитиш интизоми ва ҳукмронлик усувлари билан емас, балки қонун олдида тенг бўлган давлат ҳокимияти, ҳуқуқий ва сиёсий воситалар билан мувофиқлаштирилади.

Турли мамлакатлардаги сайловларда ўзаро сиёсий мухолифатдошлика асосланган демократия табиатига хос сайловларнинг бир қанча умумий

томонлари мавжуддир. Булар: ҳокимиятга даъвогарлик турли сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро ишонч, идора етувчи элитани еркин демократик сайловлар воситасида шакллантиришнинг анъанавий қоидаларини хурмат қилишдир. Бу каби ривожланган мамлакатлардаги сайловчилар ва депутатликка номзодлар хулқи автоном ва ратсионал-мақсадлилик характерига егадир. Бу мамлакатлар жамиятларида сайловлар сиёсий элитани шакллантиришнинг ҳақиқий механизми сифатида намоён бўлади. Бунда сайловлар аҳолига расмий сиёsat йўналишларига таъсир этиш учун имкониятлар яратади, уларни ўзининг манфаатларида монандлаштира олади. Натижада, давлат ҳокимияти органларида бўлган сайловлар расмий ва норасмий субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши легитимлигини таъминлайди, бу жараёнларда ижтимоий тартиботнинг сақланишига ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга эришилади.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг ўз иродаларини эркин ифодалашларига, барча марказий органларни халқ томонидан сайланиши йўли билан давлат ҳокимиятида вакиллик муносабатларини шаклланишига асосланган либерал-демократик ёки конституцион легитимликнинг ривожланганлиги билан ажралиб туради. Легитимликнинг бу каби шакли ғарб жамиятларининг узоқ даврлар социоиқтисодий ва социомаданий эволюцияси натижаси ўлароқ шаклланиб, у ҳозирги даврда жаҳон таракқиётининг етакчи тамойилига айланди.

Дунёning қўплаб демократик мамлакатлари ўзларининг Конституциялари ёки маҳсус сайловларга доир қонунларида фуқароларни яширин овоз бериш орқали умумий ва teng сайловлар ҳукуқларини эълон қилган.

Демократикжамиятдасайловлардагиурашларсиёсий партия фаолиятинингасосийкурашлармайдониҳисобланади. Ҳарбир партия ўз электоратиникўпайтиришгаинтилади. Электорат сайловларда у ёкибу партияга овоз берадиган сайловчилардир. Масалан, социал-демократик партиялар электорати асосанишчилар, зиёлилар, хизматчилар, майдамулкдорларданиборатдир. АҚШ демократик партияси электоратини,

одатда, кўпроқмамлакатнингранглиаҳолиситашкилетади. Бирсайловдан ке-  
йингисайловгача у ёкибу партияниң

электорати сони васифати жиҳатларидан ўзгариб туришимумкин. Масалан,  
БуюкБританияда

Лейбористлар партияси Либераллар партияси никиптиявийт изимдансиқиб  
чиқарганидан кейин лейбористлар электоратилибераллар ҳисобига  
сезиларлидаражадақўпайди.

Ҳозир гизамондавлатларида овоз беришна фақат фуқаролик ҳуқуқи, балки  
фуқаролик маҗбурияти ҳамдир.

Баъзимамлакатлар дасайловда қатнашмаганликучунҳамжазочоралари  
белгиланган. Масалан, Белгия, Нидерландия, Австралия кабимамлакатларда  
жарима тўланади. Покистонда эсаҳаттоқиқамоқжазосиҳамқўлланилади.  
Айриммамлакатларда эса «тўполонларни олдини олиш» мақсадларида овоз  
беришучунҳар бирсайлов округи бўйичамавжудномзодлар сони анча  
чегараланган.

## **2.Демократик сайловларнинг асосий тамойиллари**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари ҳам фуқаролик жамияти яшовчанлигини таъминлай олиш қобилиятини ўзида ифодалайди. Айниқса, у мамлакатда демократик сайлов тизимининг шаклланиши учун қулай хуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериши билан ажралиб туради. Мамлакатда шаклланган сайлов тизимиға доир хуқуқий асослар парламент, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларини шакллантириш тамойиллари ва фуқароларнинг сайловларда қатнашиш хуқуқини, мамлакатда ҳалқ ҳокимиятини амалга ошириш ва давлатнинг умуминсоний манфаатлар тамойиллари асосида ташкил етишнинг муҳим демократик пойдеворидир.

Республикада сайлов тизимининг хуқуқий асослари парламент ва бошқа вакиллик органларига сайловларда жамоатчилик фикрини ҳар томонлама аниқлаш, номзодларнинг шахсий фазилатларини билиш, сайловчиларнинг фақатгина овоз беришгина емас, балки уларнинг сайлов компаниясида бевосита иштирок етиши учун ҳам демократик муҳит яратишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистонда шаклланган демократик сайловларнинг муҳим демократик тамойилларидан бири шуки, мамлакат Президенти муқобиллик асосида, бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Шунингдек, Олий Мажлиснинг қуий палатаси – Қонунчилик палатаси депутатлари бевосита сайловчилар томонидан сайланиши анъанага айланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман ҳалқ депутатлари ҳам тўғридан-тўғри ҳалқ томонидан сайланади.

Ўзбекистонда сайловлар халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш заруриятидан келиб чиқиб, унда халқ томонидан давлат ҳокимиятини шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат етишни халқчиллик асосида амалга ошириш мақсадлари мужассамлашган. Шунингдек, сайловлар даврида «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деган демократик тамойилни амалга ошириш имкониятлари туғилади.

Фуқароларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироклари сайловлар даврида аниқ ва равshan намоён бўлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясининг 32-моддасида «бундай иштирок етиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил етиш йўли билан амалга оширилади», дейилади. Мазкур конституциявий қоидадаги «давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш» сўзининг асл маъноси давлат органларини халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланишини англатади.

Ўзбекистонда сайловлардаги тенглик ҳуқуқи тамоили Конститутсиянинг 117-моддасида қуидагича мустаҳкамланган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиши-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. ...Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Ўзбекистонда сайловларнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатларда кенг ёйилган демократик тамоиллар асосида шаклланди. 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши натижасида унга демократик қадриятларга хос бўлган янги тўлдиришлар ва ўзгартишлар киритилди. 1994 йил 5 майда парламент томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, 2003 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига (1994 йил 5 май) ҳам ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритилди. Мазкур қонунлар демократик сайловларни амалга оширишнинг демократик тамойиллари асоси сифатида катта синовлардан ўтди.

Ўзбекистонда Сенатни шакллантиришда маҳаллий вакиллик органларига Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ваколатлари берилиши – худудий манфаатларнинг қонунларда ифодаланиши учун шарт-шароитлар яратди. Шу билан бирга, маҳаллий халқ депутатларининг Сенат аъзоларини сайлашда бевосита иштирок этиши вакиллик демократиясининг шаклланишига, шунингдек, уларнинг умуммиллий давлат бошқаруви фаолиятларида бевосита иштирок этишлари учун ҳуқуқий имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунига биноан халқ депутатлари Кенгашларига «сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган» фуқаролар сайланиш ҳуқуқига егадирлар. Олий Мажлис умумдавлат аҳамиятига эга олий қарорлар қабул қилувчи орган бўлгани учун ҳам Конститутсияда (77-модда) унинг ҳар иккала палатаси – Қонунчилик палатасига депутат ва Сенатга аъзо бўлиб сайланиш ҳуқуқини 25 ёшга тўлган фуқароларга берилиши мустаҳкамланди.

Ўзбекистон сайлов тизимидағи teng сайлов ҳуқуқи қуйидагиларни англатади: «ҳар бир фуқаро бир овозга ега. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар teng сайлов ҳуқуқига эгадирлар».

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилишини англатади: беистисно барча Кенгашларнинг депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 5-моддасида сайловларда яширин овоз бериш қоидаси қуийдагича ифодаланган: «Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди». Ўзбекистонда бошқа қуи вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларда ҳам яширин овоз бериш тамойили мустаҳкамланди.

Миллий мустақиллик йилларида маҳаллий вакиллик органларига сайловларга доир хуқуқий асослар ҳам такомиллашди. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг (1994 й. 5 май) 1-моддасида Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органларига сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари демократик қадриятлар талаблари даражасида белгилаб қўйилди: «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга ўтказилади. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари умумий, teng ва тўғридан-тўғри сайлов хуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар».

Демак, Ўзбекистонда вакиллик органларига сайловларнинг ҳуқуқий асослари хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талаблари даражасида ифодаланмоқда.

Вакиллик органлари депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши бу органларнинг қуийдаги демократик қадриятлар асосида фаолият кўрсатишига шарт-шароитлар ва имкониятлар яратади:

-уларнинг нисбатан мустақил қарорлар кабул қилишлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятини холисона баҳолашлари;

-жамиятдаги турли ижтимоий қатламлар ва грухлар манфаатлари ва сиёсий иродаларини вакиллик органларида ифодалаш, улар қарорларида акс еттириш;

-вакиллик органларидаги турли партиявий фракциялар ўртасидаги мулоқотлар, баҳс ва мунозаралар асосида пишиқ ва пухта қарорлар қабул қилиш;

-сайловчиларнинг номзодлар орасидан ўзларига муносибларини танлаш хуқуқини рўёбга чикариш;

-халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сиёсий партиялар фаолиятида иштирок етган, олдиндан сайловчилар «танлови»дан ўтган, тажрибали ва халқчил номзодларни депутат бўлиб сайланишларига имконият яратиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунларга киритилган ўзгартишлар ва тўлдиришлар, «Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан маҳаллий вакиллик органларини сайлаш жараёнларини демократик принциплар асосида ташкил этиш шарт-шароитлари шаклланди. Маҳаллий вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Мамлакатда амалга оширилаётган сайловларга доир қонунчиликни такомиллаштириш жараёнлари фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат куриш, фуқаролар еркинлиги ва ҳақ-хуқуқларини таҳминлаш билан узвий боғлиқликдаги ўзгаришлардир. Маҳаллий вакиллик органларини сайлаш кампанияларида сиёсий партиялар, жамоат ва нодавлат ташкилотлар, фуқаролар фаоллигини ошириш, бу жараёнларнинг демократик қадриятлар асосида кечишини таҳминлаш учун сайлов тизимини фуқаролар хуқуqlари ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан уйғунлаштира олиш қобилиятига ега бўлган хуқуқий асосларни ривожлантирилиши – фуқаролик жамиятияга хос бўлган белгилардан биридир.

Ўзбекистон парламентига демократик тамойиллар асосидаги сайловлар илк бор 1994 йил 25 декабрда ўtkазилди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган биринчи сайлов мамлакатда

тобора тараққий топаётган демократик жараёнларнинг амалдаги ифодаси бўлди. Кўпартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтган сайловларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳар жихатдан қадрланди.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланишига уйғун равишда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ҳам юксалиб борди. Айниқса, мустақиллик йилларида фуқароларнинг сайловлардаги иштирокининг фаоллиги, уларнинг сайловларга нисбатан муносабатларининг ўзгариб бориши, халқнинг демократик қадриятларни ўз турмуш тарзига сингдириб бориши аниқ сезилди.

Яқиндагина янги шакллантирилган 2014 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўtgани, сайловлар жараёнлари Конституция ва қонунлар талаблари даражасида ўtkазилди. Қонунларга киритилган янгиликлар – вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг парламент қуи палатасига депутатликка номзодлар кўrsatiш ҳуқуқининг қонундан чиқарилиши, сиёсий партиялар депутатликка номзодлари рўйхатида хотин-қизларнинг камидаги 30 фоиз бўлиши шарт этиб қўйилиши, шунингдек сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришга доир маҳсус қонуннинг қабул қилиниши сайловларнинг демократик мазмунини янада бойитди.

Ўтказилган сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қонунчилик палатасидаги 52 та депутат билан 1- ўринни эгаллади. «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 37 депутат сайланиб оппозицияда бўлди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 26 та депутат сайланди. Шунингдек, «Адолат» социал-демократик партиясининг 20 та номзоди Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

Бусайловда олдингипарламентнинг фақат 35 та собиқ депутати Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

Сайловдасиёсий партиялар ва вакиллардан 300 мингдан ортиқ кузатувчилар, шунингдек дунёning 40 дан ортиқ мамлакатидан 300 дан ортиқ халқаро кузатувчилар сайлов

компаниясида фаолиштироқетди.

Уларнинг сайловқонунчилиги гақатъи йамалқилишни таъминлашдаги ҳиссаси каттабўлди. Сайловқонунчилиги гаянги ритилган – сиёсий партияларнинг депутатликканомзодларининг камидаги 30 фоизига хотин-қизларбўлишини шартқилиб кўйилган лиги ўзининг жобий натижасини берди. Конунчилик палатасига 159 та хотин-қизларнинг номзодлари қўйилиб, улар ўзларининг фаоллигини намойишетди. 16 та аёл (17,5 %) Конунчилик палатаси депутатлигига сайланди. 2014 йил 21 декабрдаги, шунингдек, 2015 йил 4 январдаги тақорий сайловларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси нинг Конунчилик палатаси ва Экологик ҳаракат билан биргаликда 150 депутат данибораттарни босайланди.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида ўтказилган сайловларни жаларининг таҳлилишуни кўрсатди, мамлакатда демократик қадриятларни милий анъана лар билан ўйғунлаштириша соидаги ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Мамлакатдаги сайловлар гадоир конунчиликка сосларига Олий Мажлис Конунчил ик палатаси депутатларисонининг 120 тадан 150 тага оширилиши, жумладан, Ўзбекистоне кология ҳаракатига ўзининг 15 та вакилини Конунчилик палатаси таркиби га депутат қилиб киритишҳуқуқининг берилиши, 2009 йил 27 декабрдаги сайловда Олий Мажлиси нинг Конунчилик палатаси депутатлиги га 4 та сиёсий партияларга берилиши (бусайловдаташаббускорлар гурухларидан Конунчилик палатаси депутатлиги га номзодлар кўрсатишҳуқуқининг бекорқилиниши) Конунчилик палатаси ингянгитаркибиния надаси фатли бўлишини таъминлаш, шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловчилари родасини қонунлардаянада кўпроқифодала йолишлиари учун хуқуқий вазиёсий шарт-шароитлар яратди.

Мамлакат тарихида учинчи марта прарламентнинг юқори палатаси – Олий Мажлис Сенатига сайловлар ўтказилди. 2015 йильянваройинин 14-

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман вашаҳархалқ депутатлари иштирокидаяшириновоз беришйўли билансайловлар бўйибўтди. Бусайловлар компаниясида маҳаллий депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари – 84 та сенаторлар сайданди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонигаму вофиқ Олий Мажлис Сенатининг 16 та аъзоси тайинланади.

Бундан ташқари Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йилнинг 29 мартада Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказиш бўйича худудий округларни тузиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Умуман, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар демократик сайловлар институтини давлат органларини шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлади, жамият аъзоларининг манфаатлари ва иродасини сиёсий қарорларда ифодаланиш жараёнларини таъминлаб бера олиш мақсадида хуқуқий асосларни янада таомиллашишига имконият яратди. Шунингдек, қонунчиликдаги ўзгаришлар фуқароларнинг демократик сайловлар воситасида олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қила олишлари учун кенг имкониятлар яратди.

Мамлакатда сайловларнинг фуқаролик жамияти институти сифатида шаклланиши, уларнинг халқ томонидан эътироф етилиши, шунингдек, сайловлар жараёнларига замонавий демократик тамойилларнинг жорий етилиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликлари, сиёсий жараёнлардаги иштироклари ошиб бормоқда.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан Маълумки, давлат ҳокимият органларига сайловлар демократик сиёсий жараённинг таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги даврда давлат ҳокимият органларини шакллантиришга доир демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнига айланди. Жаҳонда

сиёсий ҳокимият органларига сайловлар ўтказилмайдиган бирон-бир мамлакатни топиш қишин масала бўлиб қолди.

Ҳар қандай жамиятнинг авторитаризмдан демократияга ўтиш жараёни сайловлар тизимини демократлаштириш билан узвий равишда боғлиқдир. Бу мураккаб вазифани ҳал етиш ўтиш даврининг қатор босқичларини сиёсий технологиялар, жумладан, тақрорланиб турувчи сайлов жараёнлари воситасида демократлаштиришни талаб етади. Демократияга, айниқса фуқаролик жамиятига босқичма-босқичлик асосида ўтиш турли даражалардаги давлат ҳокимияти органларига бўладиган қуйидаги сайловлар билан боғлиқдир: ўзини ўзи бошқаришнинг маҳаллий тизилмаларини сайлаш; мінтақавий даражаларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларни шакллантириш ва уларнинг раҳбар органларини сайлаш йўли билан сайлов олди курашлари сиёсий кенгликларини шакллантириш; парламентни сайлаш; давлат раҳбарини сайлаш; ижро ҳокимияти раҳбариётини сайлаш. Шу тариқа фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик сайловлар воситасида рўй берадиган.

### **3. Ўзбекистон сайлов қонунчилигига доир ўзгаришлар**

Президент И.А.Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” эълон қилиниб, унинг тўртинчи қисми “Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи еркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш” масалаларига бағишиланган. Унда қуйидаги қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мақсади илгари сурилди:

-“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, унда асосан партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуслари тобора турли-туман ва кенг миқёсга ега бўлиб бораётгани билан изоҳланиши, шунинг учун сайлов қонунчилигига сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизmlарининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим” лиги;

-“Сайловолди ташвиқоти” тушунчасининг ўзига аниқ таъриф бериш, бундай ташвиқотни олиб бориш шартлари, турлари, рухсат етилган шакл ҳамда усусларини қонунчилик йўли билан белгилаб қўйиш зарурлиги;

-“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин емаслиги тўғрисидаги нормани киритиш;

-“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига олдин овоз бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқ қўшимчалар киритиш;

-“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга “овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (еълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телеқоммуникатсия тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади” деган нормани киритиш;

-Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Екологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган қўшимча киритиш.

Сайловлар қонунчилигига мазкур ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш ислоҳотларини янада чукурлаштириш, давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқароларнинг сиёсий партиялар воситасида иштирок этишларини ҳуқуқий жиҳатлардан таҳминлаш, инсоннинг ўз сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётда амалга ошира олишлари учун имкониятлар яратиш, ҳокимият органлари фаолиятини ошкоралик асосида кечиши каби демократик қадриятларни

шакллантиришга қаратилди. Айниқса, сайловлар кампаниясида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга доир янги ҳуқуқий нормаларни киритиш демократик сайловларнинг тенглик, ошкоралик, халқ иродасини ифодалаш тамойиллари асосида ўтишини таҳминлаб, фуқаролик жамияти учун хос бўлган ижтимоий адолатни таҳминлаш учун шартшароитлар яратиб беришига муҳим эътибор қаратилди. Қолаверса, партиялараро рақобатнинг кучайиши учун ҳуқуқий асослар яратиш конструктив мухолифат фаолияти учун кенг йўл очиб беришига кенг имкониятлар яратади.

Сайлов қонунчилигидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103, ва 117-моддаларига)”ти Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақидаги Қонуннинг роли ғоятда бекиёсdir. Мазкур Қонундаги сайлов жараёнiga оид энг муҳим ўзгаришлардан бири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилиши сайловларнинг демократик руҳда ўтиши, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Сайловларнинг қандай орган томонидан ташкил этилиши ва ўтказилиши борасида хорижий мамлакатларда турлича тажоиба шаклланган. Мисол учун, Буюк Британия, Италия, Германия, Францияда сайловларни Ички Ишлар Вазирлиги ташкил этади, бунинг учун алоҳида идора тузилмайди. Лотин Америкаси мамлакатларида Марказий комиссияси вазифасини сайлов трибуналари бажаради. Руминия, Мисрда эса бу жараённи амалга ошириш суд органларига юклатилган. Швецияда эса

сайловни ташкил этувчи орган сифатида ўзининг қарори билан хоҳлаган давлат органига, мисол учун Солик бош Бошқармасига юклатилиш мумкин<sup>2</sup>.

Ушбу ўринда сайловларни мустақил органга берилиши давлатнинг сиёсий бетарафлиги билан изоҳланади, бу эса сайловларнинг янада демократлигиди таъминлайди.

#### **4. Ўзбекистонда сайлов тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

Вакиллик органларига сайловларни муентазам ва адолатли ўтказилиши мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти ғалабасини белгиловчи мезонлардан биридир. Демократик бошқарув усули кашф қилинганидан буён ўтган вақт давомида у инсонлар томонидан такомиллаштирилиб, сайқалланиб бугунги бизнинг тушунчамиздаги демократик бошқарув шаклига, яъни вакиллик демократияси шаклига ўсиб етди. Бугунги кунда демократия - ўз вакиллари орқали давлат ва жамиятни бошқаришдир. Шунинг учун ҳам вакиллик органларига сайловларнинг муентазам ва адолатли ўтказилиши жамиятда демократиянинг даражасини белгилаб берадиган асосий мезонлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва вилоят, шаҳар, туман ҳалқ депутатлари Кенгашларига сайлов ўтказилиши қўйдаги асосда мезонланади. Ўзбекистонда сайловлар умумий сайлов ҳуқуқи, teng сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ва яширин овоз бериш принциплари асосида ўтказилади.

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пассив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланадиганлигига

---

<sup>2</sup>Ш.Рўзиназаров. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг эркин демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги роли. Т; “O’ZBEKISTON”Б-9

қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига, Республика Президентлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт. Ундан ташқари барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган Қонуннинг 4-моддасига кўра, Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуки ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентиганомзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаровсуммаситалаб қилинади.

Ўзбекистон Республикасида Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камидан беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган фуқаролар эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга.

Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун бир юз ўттиз бешта худудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

Сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегарарларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулагилик яратиш мақсадида тузилади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сайлов округига киради. Сайлов участкаларининг чегаралари тегишли сайлов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси, участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш хуқуқига сиёсий ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий партиялар эгадирлар. Сиёсий партия сайлов компанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишни қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларда сайловчилар(электорат)нинг, сиёсий партиялар ва бунга масъул институтларнинг фаол ва объектив ёндашувлари сайловларнинг адолатли ўтишини белгилайди.

**“Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”**ги Конститутциявий Конуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис икки палатали парламентга айлантирилган эди. Парламентнинг қуи палатаси “Қонунчилик палатаси” (ҚП – бир юз йигирма депутатдан иборат), юқори палата “Сенат” (худудий вакиллик палатаси – юзта сенатордан иборат) деб белгиланди. ҚПнинг депутатлари бошқа фаолиятларидан озод қилиниб (педагоглик ва илмий ижодий фаолиятга рухсат берилади), фақат депутатлик фаолияти билан шуғулланишлари натижасида парламент профессионал парламентга айлантирилди.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса шахсларнинг у ёки бу партияга мансублигидан қатъий назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатилганлиги тўғрида баённома тузилади.

“Халқ дупутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 22- моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камидаги эллик нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гурухини тузиши мумкин.

Қонуннинг 23 – моддасига кўра депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қуйидагилар:

- содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;
- сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган шахслар;
- Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилар, Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Судьялар ва прокуратура органларининг мансабдор шахслари депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина депутатликка номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, сайловларни очик, ошкора ва адолатлилик принципи асосида ўтказилиши албатта юқорида асослашга урунган айrim қонунчилик нормаларидан ташқари бевосита фуқароларимизни давлат ва жамият ишларидаги фаол иштироки, қолаверса, фуқаролик позицияси, шунингдек ўша қонунларни тушуна олиши, уларга амал қилиш кайфиятини нечоғлик юқорилиги, қонунларни хурмат қилибгина қолмай унга сидқидилдан амал қилишига боғлик.

## **Хулоса**

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳар бир суверен демократик йўлни танлаган давлат борки, қолаверса мамлакатимиз миллий қонунчилигига ҳам, шунингдек, хорижий мамлакатларда ҳам давлат ҳокимият органларини ташкил этиш сайлов принциплари орқали ўз халқининг олдида турган келажак истиқболларини ифодалайди ва мақсад, вазифаларини белгиланиш пойдевори ҳисобланади. Шу жиҳатдан демократик давлатларда амалга оширилаётган сайловларда Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунчиликнинг устуворлиги сўзсиз тан олиниши эътироф этилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.; Ўзбекистон 2014
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 2001
3. Каримов И.А. Мамлакатимида демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2010
4. Ш.Рўзиназаров. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг эркин демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги роли. Т.:Ўзбекистон 2014
5. Е.Князов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими ва қонунчилиги.-Т.:Ўзбекистон, 2014
6. election.uz
7. lex.uz

